

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«8» май 2019 у.

№ 385

Toshkent sh.

**Оммавий ижрого мўлжалланган драматик, мусиқали
ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик
ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган драматург ва ёзувчилар, маданият ва санъат ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Оммавий ижрого мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “8” майдаги 385-сон қарорига
ИЛОВА

**Оммавий ижрода мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик
асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳакини тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий коидалар

1. Мазкур Низом оммавий ижрода мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳакини тўлаш тартибини белгилайди.

2. Оммавий ижрода мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳаки Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган Драматик ва мусиқий асарларни танлаш ва харид қилиш бўйича ишчи гурухнинг (кейинги ўринларда Ишчи гурух деб аталади) хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг буйругига асосан тўланади.

3. Ишчи гурух коллегиал маслаҳат органи ҳисобланади ва унинг фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади. Ишчи гурух аъзолари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тавсияси билан асосий иш жойидан белгиланган тартибда рагбатлантирилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Репертуар-тахририят шўъбаси Ишчи гурухнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

2-боб. Ишчи гурухнинг асосий вазифалари

5. Ишчи гурухнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ишчи орган томонидан тақдим этилган асарларни кўриб чикиш;

тақдим этилган асарларни мухокама қилиш ва унинг моҳияти ва мазмuni, бадиий, гоявий, маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамияти ва томошаболлигини баҳолаш;

асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳакини тўлаш бўйича хулосаларни тайёрлаш;

тақдим этилган асарларни яратганлиги учун муаллифлик ҳакини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда белгилаш;

асарларнинг давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларида саҳналаштирилиши ва ижро этилиши бўйича тавсиялар бериш;

маданият ва санъат муассасаларининг репертуарини юксак бадиий гояга эга бўлган мусиқий ва драматик асарлар билан бойитиб боришга кўмаклашиш ва бу борада тегишли таклифлар тайёрлаш;

асарларни кўриб чикиш натижалари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этиш;

оммавий ижрода мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганини учун муаллифлик ҳақи билан боғлик харажатларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан талаб этиладиган маблағлар бўйича сўровни шакллантириш.

3-боб. Ишчи гурухнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Ишчи гурух ўзига юқтанган асосий вазифаларни бажариш доирасида куйидаги ҳукукларга эга:

асарлар муаллифларига асарларни қайта кўриб чиқиш ва Ишчи гурухга киритиш тўгрисида тавсиялар ва таклифлар бериш;

асарларни кўриб чиқиш жараёнига соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб этиш.

Ишчи гурух конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ишчи гурух мазкур Низомда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини тъминлашга мажбур.

Ишчи гурух конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Ишчи гурух фаолиятини ташкил этиш

8. Ишчи гурух таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан келишган ҳолда, коида тариқасида, 15 нафардан (Ишчи гурух раҳбари, ўринбосари, масъул котиби ва комиссия аъзолари) иборат таркибда шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. Ишчи гурух таркибига етакчи театршунослар, санъатшунослар ва драматурглар, композиторлар, мутасадди раҳбарлар, театр адабий змақдошлари, режиссёrlар ва актёрлари, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги таълим ва фан муассасаларининг ходимлари киритилади.

10. Ишчи орган:

оммавий ижрода мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганини учун муаллифлик ҳақи тўлаш мақсадида тақдим этилган асарларни қабул қиласи, уларнииг рўйхатини шакллантиради ҳамда асарларни кўриб чиқиш ва кийматини баҳолаш учун Ишчи гурухга тақдим этади;

Ишчи гурухда иш юритилишини ташкил этади, хужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланишини белгиланган тартибда тъминлайди.

11. Ишчи гурух мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

12. Ишчи гурух Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажаргани, хайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик

ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганда унинг энг юкори ставкаларига мос равишда асарларниң баҳосини белгилайди.

Ишчи гурухга маълум бир асарга хулоса бериш эҳтиёжи туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан соҳа мутахассислари қўшимча жалб этилиши мумкин.

13. Ишчи гурух мажлиси Ишчи гурух раҳбари ва унинг ўринbosарлари раҳбарлигидаги ўтказилади ҳамда Ишчи гурух қарори аъзоларниң камидаги 2/3 кисми иштирок этган тақдирда, очик овоз бериши йўли билан мажлисда қатнашаётган аъзоларниң оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, мажлисга раислик килувчининг овози ҳал килувчи овоз ҳисобланади.

Ишчи гурухнинг ҳар бир аъзоси умумий қарордан норози бўлган тақдирда, ўз фикрини билдириш хуқукига эга ва бу баённомада қайд этилади. Баённомада ҳар бир асар бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Қўшимча тақлиф этилган маслаҳатчилар ва эксперталар овоз беришда иштирок этмайдилар.

14. Ишчи гурух мажлисларининг баённомаларида куйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

Ишчи гурух мажлисида иштирок этган аъзолар ва тақлиф этилганларниң фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

тақдим этилган асарларни давлат театрлари ва концерт-томушга муассасалари репертуарига киритишнинг (киритилганлигининг) мақсадга мувофиқлиги;

тақдим этилган асарлар ҳақида қисқа маълумотлар (асар номи, муаллифи, қисқа визуал таърифи, жанри, имзонинг мавжудлиги ҳамда асарга тақризлар кўрсатилган ҳолда);

тақдим этган муаллифларниң фамилияси, исми ва отасининг исми, почта манзили ва паспорт маълумотлари.

15. Комиссия баённомасининг қарор қисмида асар муаллифига муаллифлик ҳақини тўлаш тўғрисидаги тавсия ёзилади.

Баённома Комиссия раиси, котиби ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

16. Оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақи тўлаш бўйича барча асарлар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий аризага асосан муаллифларининг паспорт нусхаси, СТИР, шахсий жамғаривор бориладиган пенсия ҳисоб варакаси, мутахассисларниң (санъатшунос, театршунос, мусиқашунос) тақризлари ҳамда давлат театрлари ва концерт-томушга муассасаларининг маълумотномаларини илова қилган ҳолда Ишчи органга тақдим этилади.

Ишчи гурух томонидан зарур ҳолларда муаллифдан қўшимча хужжатлар талаб этилиши мумкин.

17. Ишчи гурух томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилган ҳамда муаллифлик ҳақи тўлаш мақсадга мувофиқ деб топилган асарлар бўйича хуносалар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ишчи гурух томонидан киритилган оммавий ижро учун драматик, мусикали ва мусикали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳаки тўлаш бўйича хулосаларга мувофиқ асар муаллифлари билан “Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуклар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан муаллифлик шартномасини тузиш масаласини кўриб чиқади.

Бунда асар муаллифи Комиссия хулосасида асарни яратганлик учун муаллифлик ҳаки қонун хужжатларида белгиланган микдорларда тўланишига розилик билдирганда, у билан белгиланган тартибда муаллифлик шартномаси тузилади.

18. Оммавий ижро учун драматик, мусикали ва мусикали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳаки тўлаш бўйича асар муаллифлари билан шартномалар:

муаллифлик ҳаки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганда – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

муаллифлик ҳаки давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланганда – тегишли давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари томонидан белгиланган тартибда тузилади.

Бунда Ишчи гурухнинг хулосасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ёки тегишли давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан муаллифлик ҳакини тўлаш кўрсатилади.

5-боб. Асарларни кўриб чиқиш тартиби, ҳар бир асарга кўйиладиган талаб ва мезонлар

19. Асарларни кўриб чиқиш тартиби мазкур Низомга 2-иловадаги схемага асосан амалга оширилади.

20. Асарлар қуйидаги талаб ва мезонларга жавоб бериши шарт:

а) драматик асарлар:

асарнинг ғоявий жиҳатдан етуклиги;

асар матнининг бадиийлиги;

драматизмишинг ранг-баранглиги;

образлар тўқнашувининг таъсирчанлиги ва томошабоплиги;

персонажлар характери ва тилининг ўзига хослиги;

асар қаҳрамонининг иккинчи даражадаги образлардан фарқи;

жозиба ҳукмронлиги;

асар яратишда жанрларга қатъий амал қилинганлиги;

б) мусикий асарлар:

асар ғояси, бадиий моҳияти, шакли, ривожланиш жанр конуниятлари ва талабларига жавоб бериш керак;

композитор мусикий асарларнинг миллий хусусиятлари, баён этиш услугига эътибор бериш керак;

саҳна асарлари – опера, балет, мусиқали драма, мусиқа каби жанрлар мавзусининг долзарбилиги, замонавийлиги билан жалб этиши лозим. Ватанпарварлик ва қаҳрамонлик гоялари, ёшларни маънавий тарбиялаш, уларга маънавий озука бериш саҳна асарларининг асосий мақсадига айланиши лозим. Ҳажм нуқтаи назардан, опера ва балет камидаги 2 актни ташкил этиши зарур. Операдаги ария, дуэт, ансамбль, хор шаклан мукаммал, бадиий гояни очиб беришга йўналтирилган бўлиши керак. Балетда бундай моҳият оркестр имкониятлари, мусиқанинг саҳна харакатлари билан мутоносиблиқда йўналиши билан характерланади. Мусиқали драма ва комедия 10-15 та мусиқий номердан кам бўлмаслиги керак. Улар ария ва дуэтларни, ансамблларни ўзида мужассам этиши шарт. Мусиқий лейтмотивлар асар драматургиясини очиб бериши лозим;

симфония, концерт, оркестр учун яратилган йирик жанрдаги асарлар жанр талабларига мувофиқ глобал гояларни ўзида мужассам этиши, уни босқичма-босқич очиб бериши, симфония, концерт жанрлари сонат-симфоник туркум шаклини ўзида намоён этиши керак. Концерт жанри мавзусини очиб бериш баробарида ундаги солист партияси ёрқин, лирик ва техник ривожланишини ҳам ўзида мужассам этиши, ижрочилар маҳоратини оширишда ёрдам бериши ҳамда замонавий оркестровка, техника омилларини кўрсатиб бериши лозим;

ўкув-педагогик ва концерт репертуарлари учун мўлжалланган йирик жанрдаги асарлар камер чолғу ва камер вокал асарларни ижро этувчи талабаларнинг ижро маҳоратини оширишга, техник ривожланишига хизмат килиши, шу билан бирга, асарлар бадиий моҳиятни касб этиши лозим;

камер чолғу асарлар оддий ва мураккаб икки кисмли, уч кисмли, рондо, вариация, аралаш шаклларда баён этилиши, улар ўкувчи ва талабаларнинг бадиий дидини, мелодик тафаккури, ладо – тонал, гармоник, техник хусусиятларини шакллантириш ва амалий кўнікмаларини оширишга хизмат қилиши, шунингдек, асарлар (ноктюрн, баллада, прелюдия, мазурка, марш, скерцо, этюд, полька ва бошқалар) 3 бетдан (100 тактдан) кам бўлмаслиги керак;

романс бадиий моҳияти, услубий йўналиши нуқтаи назардан мукаммал, хонандаларнинг ижро имкониятларини ривожлантиришга, йўналтирувчи хусусиятларга эга бўлиши, ижро кўнікмаларини шакллантиришга хизмат қилиши, улар уч кисмли, мураккаб аралаш шаклларда (3 бет – тахминан 100 тактдан кам бўлмаслиги) баён этилган бўлиши керак;

кўшик банд – накорат шаклида, лирик, тантанавор рухни ўзида мужассам этиши, жўровоз партияси романга нисбатан оддий, гамофон-гармоник ва аккордли тузилмалар асосида ривожланиши зарур.

6-боб. Молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тартиби

21. Оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганилиги учун муаллифлик ҳакини тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ушбу мақсадлар учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари доирасида ҳамда давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

22. Оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганилиги учун муаллифлик ҳакини тўлаш учун Ишчи гурухнинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тегишли буйруги ҳамда унга асосан муаллиф билан тузилган шартнома асос бўлади.

23. Асарнинг бадиий-гоявий савиясидан келиб чиқкан ҳолда, муаллифлик ҳақининг миқдори белгиланади ҳамда оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда муаллифлик ҳақи тўланади ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича тузилган шартномага асосан тўловлар амалга оширилади.

24. Оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш бўйича тузилган барча шартномалар ва ушбу шартномаларга асосан амалга оширилган харажатлар ҳисоби ва ҳисботлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига алоҳида юритилиши зарур.

25. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларининг репертуарларини шакллантириш ва тўлдириш учун бадиий-гоявий юксак асарларни харид қилиш учун буюртма бериш ҳуқукига эга.

7-боб. Якунловчи қондалар

26. Ишчи груп фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан назорат килинади.

27. Ишчи груп томонидан асарларни яратганилик учун муаллифлик ҳақи тўлаш бўйича ижобий хулоса берилган муаллифлик асарларининг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига сакланади.

28. Муаллифлик ҳақи тўланган асарлар 6-12 ой давомида давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларида саҳналаштирилиши ҳамда ижро этилиши шарт.

29. Мазкур Низом таълаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оммавий ижро учун драматик, мусиқали
ва мусиқали-драматик асарлар
яратганлиги учун муаллифлик ҳақини
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Муаллифлик ҳақини олиш бўйича аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлигига**

_____ да
(манзил)
яшовчи фуқаро
_____ дан
(Ф.И.О.)

Ариза

Менга _____ ни қўриб чиқиб, белгиланган тартибда
(асар номи)
муаллифлик ҳақи тўлаб берилишини сўрайман.

Асар нусхаси ва тегишлни ҳужжатлар илова қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: _____

Имзо: _____

Сана: _____

Оммавий ижро учун драматик, мусиқали
ва мусиқали-драматик асарлар
яратғанлыги учун муаллифлик ҳақини
тұлаш тартиби түгрисидеги низомга
2-илова

**Асарларни күриб чиқыш
СХЕМАСИ**

